




JARQO`RG`ON

1932-YIL MAYDAN CHIQA BOSHLAGAN

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

WWW.JN-GAZETA.UZ


2023 yil
20 oktyabr,
juma
11-son
(8826)

VATANNI
SEVMOQ
IYMONDANDIR



21 OKTYABR - ЎЗБЕК ТИЛИГА ДАВЛАТ ТИЛИ МАҚОМИ БЕРИЛГАН КҮН

ТИЛ-МАЪНАВИЯТ БЕЛГИСИ



Тил-миллат-нинг асосий белгиларидан бири. Дунёда халқлар кўп, лекин ҳар бир халқ аввало ўз тили, миллий урф-одат ва анъаналари, ўзига хос турмуш тарзи билан ажралиб туради. Бинобарин, халқнинг, миллатнинг ўзлигини намойён қилишда

тилниги ўрни ва аҳамияти бекиёс.

Ўзбек халқи асрлар давомида дунё цивилизациясига, умумбашарий қадриятлар ривожига улкан ҳисса қўшган халқдир. Бунда она тилимизнинг хизмати катта. Чунки бу тил бўлмаса, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғотит турк» китоби, Аҳмад Яссавий ҳикматлари, Алишер Навоий «Ҳамса»си, Бобур Мирзонинг «Бобурнома»си, Абдулла Қодирий романлари, Чўлпон ва Абдулла Ориповнинг ўтли шеърляти яратилмаган бўларди. Шунинг учун она тилимиз миллатимиз руҳининг тимсолига айланиб кетган.

1989 йилнинг 21-октябрида ҳали мустақилликка эришмаган бўлсак-да, у томонга илк дебоча, қадам ташланган эди. Чунки бу кун халқимизнинг асрий орзуларидан бири амалга ошди, яъни ўзбек тили ўзбек халқининг Давлат тили сифатида эълон қилиниб, «Давлат тили» тўғрисидаги Қонун қабул қилинганига ҳам 34 йил бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили тўғрисида»ги Қонундан келиб чиққан ҳолда қабул қилинган дас-

турлар Республика ҳаётининг турли жабҳаларида сезиларли ўзгаришлар юз беришига, барқарор ҳаёт ривожланишига омил бўлмоқда. Тил маънавиятнинг асосий мезонларидан биридир. Маънавияти бут бўлмаган давлатнинг келажаги бўлмайди. Демак, тил маънавиятимизнинг покиза кўзгусидир. Бу кўзгуни авайлаб асрамоқ, покизалигини сақламоқ, тиниклигини таъминламоқ, маънавий камолотимиз учун муҳимдир.

Мустақилликка эришганимиздан кейин ўзбек тили ривожига катта эътибор берилиши натижасида Конституциямизда «Давлат тили тўғрисида»ги қонунда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақоми, уни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари белгилаб қўйилди. Бу ўзбек тили тараққиётида янги давр бошланганлигининг ифодаси эди. Бугунги кунда давлатимизнинг энг муҳим ҳужжатлари шу тилда ёзилмоқда. Она тилимиз давлатлараро мулоқотларда, дунёнинг нуфузли минбарларида, халқаро анжуманларда ҳам кенг қўлланмоқда. У истиқлол йилларида миллий ғурур манбаига, мустақиллигимиз тимсолига айланиб қолди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун мамлакатимизда тил байрами сифатида нишонланмоқда.

Ўзбек тили дунёнинг энг қадимий ва бой тилларидан биридир. Бу тилнинг бекиёс имкониятлари қадимий тошбитикларда, халқимизнинг асрлар синовидан ўтиб келаётган мақол ва ҳикматли сўзлари, бетакрор иборалари, қўшиғ-у дostonларида, мумтоз шоирларимиз, ХХ асрдаги ижодкорларимиз асарларида яққол намойён бўлади.

Буюк маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудий ХХ аср бошидаёқ тил билиш заруратиға эътибор қаратиб, бундай деган эди: «Биз туркистонийларға туркий, форсий, арабий ва русий бўлмоқ лозимдур. Туркий яъни ўзбекини сабаби шулки, Туркистон халқининг аксари ўзбакий сўзлашур. Форсий бўлса, мадраса ва удабо (адабиёт) тилидир. Бу кунғача Туркистонни ҳар тарафиндаги эски ва янги мактабларинда форсий назм ва наср китоблари таълим берилиб келгандур. Барча мадрасаларда шаръий ва диний китоблар, арабий таълим берилса ҳам, мударрисларни тақрир-у (изоҳ) таржималари форсчадур. Бу қоида, яъни дарс китоби-арабий, муаллим-туркий, тақрир-у таржиманинг форсийлиги ажибдур». Бехбудий бобомиз бу сўзлари орқали юртимизда қадимдан ўзбекча, форсча, арабча кенг қўлланиб келгани шунинг учун уларнинг учаласини ҳам яхши билиш зарурат эканини таъкидламоқда.

Айниқса, бугунги кунда мамлакатимиз бутун дунё билан кенг миқёсли ҳамкорликка киришяётган пайтда тил билиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун юртимизда нуфузли халқаро тиллар сирасига кирадиган тилларни ўрганишга ихтисослашган махсус мактаб ва лицейлар, олий ўқув юртлари очилмоқда, талабаларимиз тил ўрганиш учун хорижга юборилмоқда.

Биз устозлар шундай гўзал тилимизни соф сақлаш, уни янада бойитишни, унга садокатли бўлишни ўқувчиларимизга, фарзандларимизга ўргатмоғимиз лозим.

Дилафруз ИСМОИЛОВА,
32-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси.



«Яшил макон» лойиҳаси Жарқўргон туманида.
Жойларда кўчат экиш ишлари қизғин бораётир.

ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН

«Биз маънавият ва маърифат ишини ватанпарварлик иши, виждон иши, деб биламиз. Виждони, маънавияти бор инсон Ватанни, албатта, яхши кўради. Виждон, маънавият дегани — халққа, Ватанга чин юракдан хизмат қилиш деганидир. Мана шундай қараш бутун халқимиз, айниқса, ёшларимиз томонидан кенг ва қизғин қўллаб-қувватланаётгани маънавий тарбиянинг нақадар долзарб аҳамиятга эга эканини кўрсатади».

Ш.М.Мирзиёев, Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Ўтмишдан маълумки, ҳар бир инсон қалбида ўз юртига садокат, фидойий бўлиш туйғуси ватанпарварликнинг олий нишонаси ҳисобланади. Зеро, инсон учун энг азиз ва муқаддас бўлган Ватанни ҳимоя этиш, уни севиш ва эъзозлаш ҳар бир инсондан буюк маънавий жасоратни талаб этади. Инсон маънавиятига қарши қаратилган жаҳолат гафлатга, лоқайдлик эса бепарволикка гирифтор этади. Натижада, мазкур ҳолат инсонни ватан тақдирига нисбатан дахлдорлик туйғусини йўқотиш орқали унинг маънавиятини сўндиришга замин яратади. Мазкур ҳолат, ўз навбатида ҳар қандай миллат, халқни ўз тақдирига раҳна солувчи таҳдидларга нисбатан мунтазам огоҳ, сезгир ва хушёр бўлишга ҳамда уларга қарши маърифат ва маънавият билан жавоб бериш борасида жиддий фикрлашни тақозо этмоқда. Барчамизга яхши маълумки, ҳозирги кунда дунё шиддат билан ўзгариб, инсониятнинг тақдирини ва келажагига таҳдид солаётган хавфхатарлар кучайиб, дунё миқёсида шафқатсиз рақобат, турли зиддият ва қарама-қаршилиқлар тобора авж олмоқда. Бугунги кунда глобаллашувнинг шиддатли тус олиши дунё миқёсида ғоявий-мафруравий таҳдидларнинг тобора авжига чиқишига замин яратмоқда. Мана шундай бир шароитда тинчлик, барқарорликни сақлашда маънавият ва маърифатга эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда Ўзбекистон ўз мил-

лий тараққиётининг янги даврига қадам қўйди. Бунини барча соҳалардаги туб ўзгаришлар қатори маънавият, маърифатга бўлган муносабатларда ҳам кўриш мумкин. Айниқса, Ўртимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатимизда жаҳолатга қарши курашда маърифат билан курашиш борасида улкан ишлар қилинаётганлиги, айниқса, диққатга сазовордир. Бу борада, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ўзбекистондаги Исломи цивилизацияси маркази, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятларининг йўлга қўйилиши мамлакатимизда муқаддас Исломи дини қадриятлари ва анъаналарини янада ривожлантиришга замин яратмоқда. Айниқса мазкур соҳада давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ишлар замирида юртимизда таълим, илм-фан, маданият ва маърифат, ажодлар меросини ўрганиш, қадрлашга бўлаётган юксак эътибор нафақат мамлакатимиз ва минтақа аҳолиси, балки жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам юксак тарзда эътироф этилаётганлиги айниқса эътиборга молиқдир. Дунё тамаддуни Бухорийлар, Фарғонийлар, Самарқандийлар, Хоразмийлар, Термизийлар, Насафийлар таратган илм зиёсидан қанчалар баҳраманд бўлган бўлса, бугунги кунда ҳам бу баҳрамандлик давом этмоқда, ажодларимиз қолдирган бебаҳо мерос ўз қадри ва аҳамиятини асло йўқотгани йўқ.

Матлуба МУСТАҲОВА,
Республика Маънавият ва маърифат маркази Жарқўргон туман бўлинимас раҳбари.

ХАЗИНА БАҲОСИ

Авар халқининг буюк шоири Расул Ҳамзатов (Догистон Халқ шоири)нинг тилимиз ҳақидаги қуйидаги сўзларини даъват ўрнида қабул қилишимиз ва унга доим амал қилишимиз керак: «Ўзбек халқига ҳавасим келади. Сизлар буюк шоир Алишер Навоийнинг ворисларисиз, улуг миллатнинг фарзандларисиз, катта тилнинг эгаларисиз. Бу билан фахрланишингиз, халқингиз, тилингиз камолига хизмат қилишдан чарчамаслигингиз керак».

Эшқоби ШУКУР,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир.

УРУШ ЙИЛЛАРИДА ҲАМ ЁПИЛМАГАН ГАЗЕТА

Обуна-2024

Туман марказидаги «Нуроний»лар масканида бир пиёла чой устида суҳбатлашаётган мўйсафидларнинг гурунгиға қулоқ тутаман. Уларнинг бири туман газетаси ёпилармиш, деб қолди.

— Бўлмаган гап, бундай совуқ хабарни қаердан олдинг. Биласанми, туманимизда нашр этилаётган «Жарқўргон» газетаси чиқа бошлаганига 90 йилдан ошди. Газета 1932 йилдан буён туманининг кўзгусига айланган, 2-жаҳон уруши йилларида ҳам газета нашр этилган.

Бундан кейин бизга бундай совуқ хабарни эшиттириб, кайфиятимизни бузма. Мана қўлимда кечагина чоп этилган газета меҳридарё ўқитувчилар ва мураббийларнинг байрамига бағишланибди. Ўқиб роҳатланасан,-деди иккинчи суҳбатдош.

Газетхон кексаларнинг суҳбатини эринмай тингладим. Улар суҳбатларининг сўнггида газета ҳеч қачон ёпилмайди, деб дуога қўл очишди.

Ҳа, азизлар, газетамиз ёпилмаса ҳам чиқарилиш нусхаси камайиб қолганлиги гоят ачинарли ҳолдир. Бир вақтлар ҳафтада уч марта 10 минг нусха атрофида газета босиларди.

Ҳозирчи, 1 ойда 1 марта минг нусха атрофидаги газета обуначиларга етказиб берилаётир. Обуна ихтиёрий бўлгач, газета нусхаси кескин камайди.

Матбуот соҳасида ишлаётганимга 50 йилдан ошди. Хизмат юзасидан жуда кўп жойларда бўлганман. Яқинда тумандаги бир жамоада бўлганимизда раҳбари «обуна керак эмас, ҳамма янгиликларни интернетдан оляпмиз», дейишдан нарига ўтмади. Интернет деб газета журналларни унутган

раҳбар инсонлар ҳали ҳам борлигидан афсусландим.

Хўрматли Президентимиз яқинда Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳридаги 71-урта мактабда бир гуруҳ ўқитувчилар, фахрийлар билан суҳбатлашганда сўз эркинлиги ва очиклик масаласида фикр юритди. «Агар бизда оммавий ахборот воситалари ёпиқ бўлса, сизларни ҳеч ким эшитмайди», деган доно сўзлари барча матбуот вакиллари бехаё руҳлантирди.

Лекин шуни ҳам айтиш керакки, бугун вақтли матбуот нашрларига эътибор яхши эмас. Катта қийинчиликлар билан нашр этилаётган газетамиз жуда тор доирадаги обуначиларга етиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Ихтиёрий обуна, деб вақтли матбуот нашрларига обуна бўлиш ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Аҳвол шу тарзда давом этирилса, келгуси йил учун бошланган обуна мавсуми ҳам «бўлса бўлар» қабилида қолиб кетиши мумкин.

Ҳа, азизлар, вақтли матбуот нашрлари доимий зарурат, ҳеч қачон ёпилмайди. Чунки матбуотнинг ўрни ва мавқеи йўқолган эмас. Тўғри телефон ҳам, интернет ҳам керак. Аммо фарзандларимизнинг пухта билим ва тўлиқ ахборот олишлари учун даврий нашрлар албатта зарур. Шундай экан, ҳаммамиз туманнинг ёрқин кўзгусига ҳисобланган «Жарқўргон» газетасининг обунасига ёрдам берайлик. Жарқўргонлик қаламқаш газетхонлар баралла айтамызки, газетамиз ҳеч қачон ёпилмайди, дея қатъий ишонч билдирамыз.

П.СОЛИЕВ,
Ўзбекистон журналистлари ижодий уюммаси аъзоси.

Хўрматли газетхонлар, республикамизнинг оммавий нашрлари каби «JARQO`RG`ON» газетасига ҳам 2024 йил учун обуна ишлари қизғин бораётир. Туманимизнинг ягона наشري, энг яқин йўлдошингиз, ҳамфикр ва ҳамроҳингиз бўлган «JARQO`RG`ON» газетасининг обунасида фаол иштирок этишингизни сўраймиз.

«JARQO`RG`ON» га туман Почта бўлими ёки «Матбуот тарқатувчи» корхонаси ҳамда тўғридан-тўғри газета тахририяти орқали обуна бўлишингиз мумкин.

«JARQO`RG`ON»нинг йиллик обуна баҳоси — 290 000 сўм.

Қўшимча маълумотлар учун тел: 99-690-17-02,
97-227-61-79.



Мен Жарқўргон туманининг «Меҳнат-роҳат» маҳалласида яшайман. Бизнинг хонадонга 2023 йилнинг май ойида ичимлик суви қувури ўтказиб берилганди. Жарқўргон «Сув таъминот» корхонаси мутахассисларига сув краинига ҳисоблагич ўрнатиб беришларини сўрадим. Улар ҳисоблагични «Деҳқон бозори»даги 81-сонли дўкондан сотиб оласиз, дейишди. Ўз пулимга ҳисоблагич олиб келиб, буни ўрнатиб беринглар десам, ўзингиз ўрнатиб олинг, дейишди. Бунга ҳам қўндим, уйга сантехник чақириб, пул тўлаб ҳисоблагични ўрнатдим.

Сўнгра «Сув таъминот» идорасига бориб, сувга пул тўлашим керак дегандим, менга пул ўтказишим учун рақамлар беришди. Пайнет орқали шу рақамларга 276000 сўм тўладим. Жорий йилнинг 3 октябр куни «Сув

таъминот» идорасидан сувдан 1.108.399 сўм қарзингиз бор, деган мазмунда хат келди.

Тагин «Сув таъминот» идорасига бориб, сувдан фойдаланганлик учун тўлаганман, десам, «бизнинг ҳисобимизга сиздан пул тушмаган» деб туриб олишди. Ва хатда кўрсатилган суммани тўлайсиз, дейишди. Мен эса краинимга ўрнатилган ҳисоблагич кўрсатган пулни тўлайман, дедим. Ана, хангома! Нима, «Сув таъминот» корхонаси хизматчилари учун қонун-қоида йўқми? Оддий мижозга, инсонларга муносабат шуми? Менинг сув учун қилган тўловим қаёққа кетди? Бунга ким жавоб беради? Қолаверса, ҳисоблагич ва уни ўрнатиб бериш «Сув таъминот» корхонаси зиммасида эмасми?

Жўра бобо ИРГАШЕВ,
пенсияер, «Меҳнат-роҳат» маҳалласи.

Тил ва эл мадҳи

ОНА ТИЛИМ-ЖОНУ ДИЛИМ

*Она тилим лугатинг бой,
Дунёларда тенги йўқ,
Гар ўрнини билиб айтсанг,
Хар бир сўзинг шифо, ўқ.*

*Ширинлиги болдан ширин,
Юмшоқлиги момикдай.
Энг аҳишатли тўлқинлардан
Олиб ўтдинг қайиқдай.*

*Она тилим - жону дилим,
Булбулингман, сайрайман.
Тингалаганлар севинишар,
Ўзгинам ҳам яйрайман.*

*Шу ўринда сал чекиниб,
Солсам тарихга назар.
Ўтмишдаги воқеалар
Берар дилимга озар.*

*Туркий тилим жўйқинлигин,
Кимлар писанд қилмади.
Ғаюрлиги тутдими ё,
Ё назарга илмади.*

*Юсуф Ҳажиб, Аҳмад Юенак,
Рабғузйилар бор эди.
Зўрдан-зўр ашвор битмокқа
Тил имкони ёр эди.*

*Саккокий-ю, Атоийлар,
Шу йўлда кўп тўқди тер.
Қутуб, Дурбек, Шоир Солиҳ,
Ижод қилди мисли эр.*

*Устоз Лутфий ҳам Сухайлий,
Кўп ишларга бўлди бош.
Агар айтиш мумкин бўлса,
Бир­и кўзу бири қош.*

*Қанча ижод, қанча меҳнат,
Лек шуҳрат топмади.
«Бахт иқболи ҳеч бирининг
Устига бахмал ёлмади».*

СУҲБАТДОШ

Қанийди учраса шундай бир одам:

*Сен ёқа бўлганда у ҳам енг бўлса.
Ёши, мартабаси тенг бўлмаса ҳам,
Албатта сен билан кўнели тенг бўлса.*

*Қанийди учраса шундайин бир зот,
Гаплашаск жайдари ёронларга хос.
Дейлик: «Юлдузларда бормикан ҳаёт»,
«Қайси дармондори қайсимизга мос».*

*Қанийди учраса шундай суҳбатдош,
Бир-бирин асабин аралашмаса.
Бир­и кўз бўлганда бири бўлса қош,
Суҳбатга ғийбат ҳеч аралашмаса.*

А.ОРИПОВ,
Ўзбекистон Халқ шоири.

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

А.Орипов

Боболардан бизга мерос эзгу тил, Авлодларга хазинайи бебаҳо

ОНА ТИЛИМ, САРЧАШМАНГДАН САРХУШ ДИЛИМ



Элимизнинг мўтабар манбалари бўлган «Битиктош»-лар, «Девони луғотит турк», «Қутадғу билиг», «Девони ҳикмат»дек асарлар, «Хазойин ул маоний», «Хамса», «Бобурнома»даги зукко зеҳн намуналари халқимиз тафаккурини бойитиб келмоқда, буюк хизмати туфайли Она тилининг.

Маънавиятимизнинг инжа табассуми, ғайри тилда топилмайдиган ифодаси маталу иборалар, бетакрорлиги Ўзбек тили. «Доно билан нодон бир булоқдан сув ичмас», «Ўн қатим ўйла, бир қатим сўйла», «Алифни калтак дейди», «Игна ташласанг, ерга тушмайди», «Атторнинг қутисида ҳам йўқ гаплар» тарзидаги қайроқи сўзларда барқ уради тажрибанинг таранг мантиги, ўзбекона рух. Ана шунда Она тилининг буюк кучи.

Кوشғарий тилимизни араб тили билан тенг мусобақада ўзиб кетаётган улоқчи отга менгзаган «Девони луғотит турк» асарида. Асл тилларнинг маншаъи, дея эҳтиромлаган Мир Алишер. (Маншаъ-бир нарсанинг келиб чиқиш ўрни). Ўзбек тили дунёдаги асл тилларнинг келиб чиқишига асос, биз эса энг қадим миллат эканмиз, демек.

Боболардан бизга мерос эзгу тил, Авлодларга хазинайи бебаҳо. Қалбимизга, руҳимизга кўзгу тил, Бу дунёга бағишлаймиз не даҳо. Сатрларни ўқиганда қайси кўнгил энтикмайди ифтихордан? Ё бўлмаса,

Тилим сен кўркимсан, ҳусни жамолим, Ичингда неки бор ўнгда мужассам. Сенинг-ла битилар, неки аъмолим, Сенингсиз мен учун бу дунё бир кам. Онамга менгзаган суюгим тилим, Отамдай қадди тоғ, буюгим тилим.

Қалб келмайдими жунбушга шу мисралардан.

Белида белбоғи бор ўзбекнинг, эғнида шоҳи атласи бор ўзбекнинг, ўзига, сўзига, сийратига, суратига, тилига жаҳон ҳавас қилади ўзбекнинг.

Ўз тилини сақлаган, ўзлигини унутмаган, камалакнинг етти жилосини жо қилган дарёйи азим элмиз.

Бирок ҳар тўқисда бир айб деганларидек, кундалик ҳолатларда она тилига напосандлик ҳолатлари кишини ранжитади. Яққол мисол, минглаб, ҳатто миллионлаб инсон тинглайдиган, кўрадиган оммавий ахборот воситалари улкан минбар. Бошловчилар адабий тил меъёрларига риоя қилиш ўрнига очиқ-ойдин шевада, боз устига ярим талаффузда «сурадилар».

Ижтимоий тармоқларнику кўя турунг. Айниқса, ёшларимиз тили «ош-қатиқ» бўлиб кетганига нима дейсиз?

Тил қоидаларига амал қилмайдиганлар она тилимиз дарахти илдиизига болта ураётганларини билишармикин? Аждодларимиз бежиз «Тилга ҳурмат-Ватанга садоқат», дея айтишмаган. Ҳатто ўша одамларнинг ўзи ишлатаётган русийзабон сўзлар асоси туркий тилга бориб тақалишини идрок этишармикин?

Забон берди Ҳаққа шукр, Замондошлар бирлашайлик. Тилимизни асрамоқ-чун, Ўзбек тилда сўзлашайлик.

Шаҳарлар ҳам тўлиб кетди, Салон, бутик, банкоматга. Ҳар қадамда катта ёзув: «Даставка бор заказларга».

Биласизми «утюк» сўзин, Асли туркий сўз эканин. «Ўт ёқ»ни «Утюк» қилиб, Руслар олиб кетганин.

Тилимиз бой шу матоҳга, Бошқа сўз топиб етди. Утугимиз бериб қўйиб, Кун дазмолга қолиб кетди.

Кўнгил бироз хижил бўлар, Одамларнинг шеvasига. Конфет, сок, варений дер, Билмайди ўзбекчасига.

Арзимаган гап демасдан, Бир ёқадан бирлашайлик, Ўзимизнинг ҳолва, шарбат, Мураббога алмашайлик.

Турли тўлқинлар кўпирган тафаккур денгизида олис йўл босиб, чайқалиб кетаётган кемага ўхшайди Она тилимиз. Ватан кўргонининг бир арки қуббасидир Она тилимиз! Миллат дарахтининг ўқ томirlларидан бири тил бўлса, шу улкан дарахтнинг салқинида-миз баримиз.

Тезлашган дунёда бу дарахтнинг ҳар бир илдизу япроғини асрашга, умрини узайтирмаққа масъулимиз барчамиз. Айрим сўзларимиз ўхшайди табарруқ отага, маъюс, меҳрибон онага, айримлари мунис сингил, эркатой укага, тагин баъзилари меҳмонга ва мусофирга. Буни ҳис этмоқ, қутлуғ билмоқ завқи тотлидир ниҳоятда.

Шукрлар бўлсинки, забонимизнинг миллионлар билан ўлчанадиган соҳиби, сўзловчиси бор экан, унинг узун умри янада фузун.

Райҳона ҚУРБОНОВА,
5-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

ТИЛ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАБ

Бу йил ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигига 34 йил тўлди. 1989 йилнинг 21 октябр санаси ҳар бир ватандошимизга ўзгача қадрли кун ва ушбу сана барчамиз учун суюкли байрамга айланган. Ҳар йили октябр ойи давомида бутун мамлакатимиз бўйлаб барча ўқув муассасаларида, таълим даргоҳларида турфа тadbирлар, байрам кечалари уюштирилади.

Куни кеча ана шундай тadbирлардан бири тумандаги 8-мактабда бўлиб ўтди. Ушбу мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Дилафруз Равшанова ўз синфида очик дарс соати ташкил этди. Дарс мавзуси ҳам ўзгача, ўзбек тилининг ўзига хосликларидан бўлган «Х» ва «Ҳ» (ўқувчиларнинг тили билан айтганда «қаттиқ х» ва «юмшоқ х») ҳарфларига бағишланди. Очик дарс давомида ўқувчилар ўртасида ушбу ҳарфларнинг имлосига бағишланган турли викториналар ташкил этилди. Шу ҳарфлар билан бошланувчи



мевалар, ҳайвон номлари, уй-рўзғор буюмларининг расмлари кўрсатилиб, ўқувчилар уларни бирма-бир доскага ёздилар. Албатта, Х ва Ҳ ҳарфларини фарқлай олиш, қаерда қайси бири ёзилишини ўрганиш саводхонликдан дарақдир. Шунингдек, ўқувчилар қисқа матнли юқорида қайд этилган икки ҳарфлар иштирокидаги сўзлар кўп учрайдиган диктант ҳам ёздилар, шеър ҳам ёдладилар. «Ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақш», дейдилар. Дарҳақиқат, очик дарсда иштирок этган ўқувчилар

«Х» ва «Ҳ» ҳарфларининг

имлосини ўрганиб олсалар, вақти келиб ҳозир кўчаларда ҳамма жойга илиб ташланган реклама баннерларидаги ёзувларда учрайдиган хатоликларга йўл қўймайдилар. Қолаверса, ўзлари саводхон бўлиб улғайишади.

Ушбу ҳарфларнинг ёзилиш қоидаларини нафақат ўқувчи ёки ўқитувчилар, балки ҳар бир миллатдошимиз билмоғи лозим. Чунки бу ўзбек тилининг ўзига хос нозикликларидандир, -дейди мазкур синфнинг бошланғич синф ўқитувчиси Дилафруз Равшанова.

Соҳиба МЕНГАТОВА.

ЎЗБЕК ТИЛИ - ҚАЛБИМ ҚУЁШИ

Халқимиз учун 1989 йилнинг йигирма биринчи октябр санаси ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун сифатида эсда қоларлидир. Мамлакатимизда Мустақиллик йилларида ўзбек тилига эътибор кучайди. Яъни давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси ҳар бир ватандошимизнинг қалбида чексиз фахру ифтихорга тўлдириши шубҳасиз. Она тилига бўлган муҳаббат ҳам Ватанга нисбатан ҳар кўнгилни бўладиган меҳрга ўхшаш туганмас ва фахрли. Дунёнинг қайси нуқтасида бўлманг «Ассалому алайкум», деган хитобнинг ўзидаёқ она юртга бир лаҳзада қайтгандек бўласиз гўё. Чунки бу тил ва ундаги сўзлар бешикни ошён билган чоғларимизданоқ онамиз алласи билан кулоғимизга қўйилиб, қалбимизга жо бўлган. Унинг муқаддаслиги ҳам айнан шундадир. Ҳар гал мумтоз адабиётимизни varaқлаганимда ундаги сўзлар сеҳри, оҳангдорлик мени ўзига мафтун этади. Ҳазрат Навоийнинг туганмас ижоди, Бобур ғазалларию рубойларидаги ўзига хослик тилимизнинг чексиз имкониятларидан сўзлайди.



Ушбу имкониятлардан самарали фойдаланиб, мумтоз адабиётнинг ўндан ортиқ жанрида ижод қилганлиги туфайли ҳам буюк бобокалонимиз Алишер Навоий «Сўз мулкининг султони» дея эътироф этилган.

Ўзбек халқи асрлар давомида дунё тамаддунига, умумбашарий қадриятлар ривожига улкан ҳисса қўшиб келмоқда.

Бу йўлда она тилимизнинг ўрни ниҳоятда аҳамиятлидир.

Райно БЕГИМҚУЛОВА,
50-мактаб психологи.

Семинар

Жорий йилнинг 13-14 октябр кунлари туманимиздаги 1-умум таълим мактабида тумандаги барча мактабларнинг бошланғич синф ўқитувчилари учун «Бошланғич синфларда янги авлод дарсликларини амалиётга жорий этиш» мавзусида ўқув-семинари бўлиб ўтди. Семинарда воҳамизнинг кўплаб туманларидан ўқитувчилар ташкиф буюришди. Мазкур семинар давомида янги авлод дарсликлари ҳақида турли фикрлар, ўзаро суҳбатлар, дарсликларнинг амалиётдаги ўрни ва унинг имкониятлари ҳақида сўз борди.

Эндиликда мактаб ўқувчилари учун тайёрланган янги дарсликлар-

ЯНГИ АВЛОД ДАРСЛИКЛАРИ: ФИКР ВА ХУЛОСАЛАР

да нафақат фанлар, балки XXI асрда зарур бўлган ҳаётий кўникмалар ҳам ўргатилади, - дейди семинар иштирокчиларидан бири.

Дарҳақиқат, янги авлод дарсликлари тадқиқотида ўқув-методик комплекслар асосини танқидий фикрлаш, жамоавий ишлаш, ижодкорлик (креативлик) ва мулоқот қилиш кўникмаларини ривожлантириш тамойили ташкил этади. Шу жумладан, семинарда 1-4-синфлар учун тақдим этилган дарсликларнинг бир қисми, хусусан, тасвирий санъат, она тили ва муסיқий саводхонлик бўйича китоблар кенгайтирилган реаллик тех-

нологияларидан фойдаланилган ҳолда ишлаб чиқилган. Бу ўқувчиларни фанга янада қизиқтириш ҳамда бугунги ўсмирлар ҳаётида муҳим бўлган ҳолатларни фойдали воситага айлантириш мақсадида ишлаб чиқилганлиги ҳақида ҳамда айна дамда китоблар ёш психологиясини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилганлиги, масалан, 1-синфда таълим жараёнига кўпроқ ўйин орқали ёндошилганлиги, маълумотлар асосан кўрсатиш-визуал тарзда етказилганлиги ҳақида ҳам сўз борди.

Семинар якунида



барча иштирокчиларда хулоса шундай бўлди: янги авлод дарсликлари нафақат ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ўстириш, балки, ҳар бир дарс ёш авлоднинг фан

мазмунини ўзлаштирибгина қолмай, мустақил билим олиш ва қобилиятини мустақил ривожлантиришига ҳам хизмат қилади.

Нафосат ЖОВЛИЕВА,
62-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси.

ЗАМОНГА ҲАМНАФАС МАКТАБ

Мактаб таълимига эътибор, сифатли таълим, замонавий технологияларни жалб қилиш, буларнинг бари ёшлар таълим-тарбиясини бугунги кун талабларига ҳамоҳанг қилиш учундир. Эндиликда оддий қишлоқ мактабларида ҳам ҳавас қиларли ўзгаришлар юз бермоқда. Жумладан, тумандаги 24-сонли умумтаълим мактаби мисолида оладиган бўлсак, бу ўқув масканида кейинги йилларда катта ўзгаришлар бўлди.

2022 йил ноябр оyiда Республика миқёсида ўтказилган ташаббусли бюджет лойиҳасида қатнашган мактаб жамоаси ҳамда «Жарқўрғон минораси» маҳалласи аҳли голиблар қаторидан жой олди. Шу ютуқ сабабли мактабнинг 1970 йилда қурилган, бугунги кунда фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келиб қолган 300 ўринли бир қаватли биноси капитал таъмирлашдан чиқарилди.

2023 йил март ойида ўтказилган ташаббусли бюджет лойиҳасида мактаб жамоаси яна 2845 та овоз билан голиб чиқди. Бу гал мактабнинг моддий-техник базасини янгиллаш, ўқув хоналарини замонавий жиҳозлаш учун 750 млн. сўм маблағ ажратилди. Бу маблағ эвазига ўқув хоналарининг шарт-шароитларини яхшилаш, 15 та компьютер жамланмаси, электрон доскалар, конденсционерлар билан таъминлаш имконияти яратилди. Битирувчи ёшларни 1 та касбга ва 2 та хорижий тилларга ўргатувчи

хоналар, қизлар учун тикувчилик ва қандолатчилик, ўғил болалар учун умумий қурилиш устaxonалари замонавий услубда жиҳозланди.

Энг қувонарлиси, қуёш энергиясидан муқобил фойдаланиш мақсадида 5 квт. қучланишга эга бўлган қуёш панели ўрнатиш, Жумладан, тумандаги таълим жараёнларини янги босқичга чиқариш учун ҳар бир синфхонани овозли камералар, видео проекторлар билан жиҳозлаш режалаштирилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, «Жарқўрғон минораси» маҳалласида мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги тўғри йўлга қўйилган ва бу ўз самарасини бермоқда. Маҳалла фуқароларидан Мамат Хўжамбердиев, Бобомурод Саттаров, маҳалла ҳоким ёрдамчиси Т.Абдуллаев, тadbиркор Неъмат Ёрғашев мактаб фаолиятига яқиндан кўмаклашиб келмоқда.

Бу ҳамкорликдан, мактабда яратилаётган қулай шароитлардан педагоглар жамоаси беҳад мамнун. Бу уларнинг таълим-тарбия ишларидаги ютуқларида ўз натижасини бермоқда. Мисол учун, мактаб 8 та индикатор бўйича қиёсланганда, тумандаги 65 та умумтаълим мактаблари орасида юқори ўринни эгаллаб келмоқда. Бу натижалар ва қулай шарт-шароитлар ёшларга янада сифатли таълим бериш имкониятини яратади.

Ф.ҲАМРАЕВА,
ТерДУ ўзбек филологияси факултети 3-босқич талабаси.

ГЎЗАЛ БАЙРАМНИНГ ШОДИЁНАСИ

Куни кеча Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 34 йиллиги муносабати билан синфхонамизда ўқувчиларим иштирокида «Тил-миллатнинг фаҳри ва ғурури» мавзусида байрам кечаси ташкил этдик. Ушбу кеча муносабати билан ўқувчилар шеърлар, ҳикматли сўзлар ёд олишиб ижро этдилар. Буюк бобокалонимиз Мир Алишер Навоий ҳаётидан олинган ҳикоя асосида саҳна кўриниши ҳам тайёрладилар. Ўқувчи қизлар чақалоқни бешикка солиш маросимини уюштиришиб, чақалоққа алла айтдилар.

Ҳа, буларнинг бари она тилимизда янграши, ҳис-туйғуларимизни ўз тилимизда ифода эта олишимиз нақадар тотли. Байрам дастурини кузата туриб, машхур сатрлар ёдимга тушди:

Она тилим сен борсан шаксиз, Булбул куйин шеърга соламан. Сен йўқолган кунинг шубҳасиз, Мен ҳам тўти бўлиб қоламан.

Агар тил бўлмаса миллат ҳам бўлмайди, демакки тил миллатнинг руҳи деган пурмаъно ҳикмат бежиз айтилмаган. Бошланғич синф ўқувчиларининг зўр қизиқиш билан Навоий ғазалларидан ёд олганлиги, Бобур рубойилари, Нодирабегим фардларини бийрон ижро этганлари кечага йиғилган барчага хуш ёқди. Айниқса, алланинг оҳанги, онанинг ўз фарзанди учун бошдан оёқ эзгуликка тўлиб тошган тилаклари. Буларнинг бари ўзбек тилининг нақадар жилокор ва бетакрор эканигини яна бир исботлади.



Ҳали ўйинқароқлиги кетмаган шогирдларимнинг нуруний боболар образида чиқиб, дуо қилганлари, «Она тилимиз ҳали кўп довлонлар ошиб, яна минг йиллар яшасин», дея қилган яхши ниятлари байрам кечасига яқун ясади.

Устоз сифатида эса яна шуни ҳам айтиб ўтишим лозимки, ўзбек тили ривожига, унинг хазинаси бойитилишига ҳар биримиз ҳар куни ҳаракат қилмоғимиз лозим. Зеро, ўзбек тили эртанги кун авлодларимизга биздан қоладиган маънавий меросдир.

Гулистон ТАНГИРОВА,
38-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси.

Моҳир сўз устаси, қалами ўткир журналист Холмўмин Худойкуловни эслаб

СЎЗГА ОШНО ҚАЛБ



Холмўмин Худойкуловнинг бобоси ҳайитободлик Абрай амин Ў т а н б е к бошлиқ халоскорлар сафида курашганлиги т у ф а й л и “босмачи”-ликда айбланиб, Тожикистонга сургун қилинади. 1939 йил... у Жиликўл туманида туғилади. Отаси Иккинчи жаҳон урушига сафарбар этилиб, 1944 йил 3-Белоруссия фронтининг машхур Бобруйск 17-дивизиясида душманга қарши жанг қилиб, Гомель области Жлобин районининг Короткевич қишлоғини озод қилишда ҳалок бўлади. Холмўмин қийинчиликлар билан 1958 йил ота юрти Жарқўргонга кўчиб келади. Уч йил Болтиқбўйи ўлкасида армия хизматидан қайтиб келгач, вилоят “Сурхон тонги”, собиқ “Ленин байроғи” газетасида ишлайди. Етук журналистлар Т.Ғабидов, С.Жўракулов, Т.Сайдалиев, И.Отакулов, З.Муллажонов, С.Сафаров, Х.Мақсадқулов, Б.Ёриев, Н.Ҳайитқулов, М.Бўтаев, Т.Тумушев, Ф.Шамановлардан касб сир-асрорларини ўрганади. Ўткир публицистик мақолалари, очерк ва фельетонлари аниқ фактлар асосида ўқиши ёзилгани учун ҳам газетхонлар эътиборини тортади. Унинг айниқса, “Совет Ўзбекистони” газетасида чоп этилган “Бу ориятсизлик эмасми?”, “Тоға ва хиянлар” фельетони, “Нурли манзиллар” очерки, “Қишлоқ ҳақиқати” газетасида чоп этилган «Инсон ва табиат» рукнидаги қатор мақолалари, “Ўқилмаган ҳукм”, “Аҳволимни тўғри тушун бўрижон!...” каби кўплаб ҳикоялари, “Олтин зангламас” очерки, “Сирли мактаб” фельетони, миллий қадриятларимизга бағишланган “Туячилик сердаромад соҳа”, “Ўтовлар юрт кўрки”, “Беданачилик керакми?”, “Сурхондарё рассомлари”, “Бўёқларда юрт кўрки”, “Ўзбекистон санъати” журналларида босилган чўлқуварлар ҳаётидан очерклари, муаммоларни ҳал этишнинг жумбоқларини очиб берадиган мақолалари уни танитди. У Ўзбекистон Журна-

листлари ижодий уюшмаси аъзоси, Ўзбекистон халқ таълими аълочисидир.

Каттақумда лимонзор барпо этишда вилоятдаги барча ташкилот, хўжалик, корхона ва муассасалардан курувчилар ўз қурилиш материаллари, ишчи кучи ва техникаси билан ҳашарда қатнашади. Ана шу ҳашарда рўй бераётган ютуқ ва камчиликларни газетада ёритиб борди. Шу билан бир қаторда ерости суви кўтарилиб, паррандачилик фабрикаси ҳалокат ёқасига келиб қолаётганида “Фабрикани кутқаринг!” дея бонг урди. Натижада қарийб беш километрлик масофада зовур қазилиб, сизот суви Амурдарёга қуйилди. Бу ҳам ернинг мелiorациясини яхшилади, ҳам Оролга қуйиладиган сув ҳажми кўпайди.

Мустақиллиكنинг дастлабки йиллариданоқ вилоят маданият жамғармаси раҳбари Турсунали Кўзиев билан ҳамкорликда “Сурхондарё маданияти” газетасини ташкил этиб, унда ўзбек халқининг бебаҳо қадриятлари ва амалий, тасвирий, ҳайкалтарошлик санъатини қайта тиклашга кўмаклашди. Унинг қалами янада ўткирлашиб, халқимизнинг эзгу орзуларини рўёбга чиқаришда фаоллик кўрсатаётган меҳнат аҳли ҳақида қатор очерклар, ишига тўсқинлик қилиб, кўнгли шўролар замонини қумсаётган мансабдорлар ҳақида фельетонлар ёза бошлади.

Х.Худойкулов ижоддан тўхтагани йўқ. Вилоятдаги “Сурхон тонги”, “Маънавият гулшани”, “Халқ йўли”, “Тиббиёт ва ҳаёт”, “Сурхон ёшлари”, “Жануб вақти”, “Жарқўргон” ва бошқа кўплаб республика газеталарини очерк ва фельетонлари билан безаб келди.

Сергайратлиги боисини сўрасак:

— Дастлаб журналистика соҳасини танлаганимда онам раҳматли “бу иш қанақа иш?” деб сўрагандилар. Мен бу соҳа хизматчиларининг вазифаси оқни-оқ, қорани-қора, тўғрини-тўғри, фирромни-фирром деб ёзиш” деганимда онам хурсанд бўлиб, “болажоним, бу-эзгулик иши экан, шу ишда ишлагин!” дегандилар. Шу боис токи тирик эканман бу касбни шарафлашга аҳд қилганман, дерди.

Ҳа бу инсон шундай эди... Худо раҳматлик қилсин!

М.ЮСУФ.

Жарқўргон туман ҳокимлиги ва Халқ депутатлари Жарқўргон туман Кенгаши ҳамда “Жарқўргон” газетаси таҳририяти Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат маркази Жарқўргон тумани бўлинмаси раҳбари Мустанова Матлуба Абдурашидовнага падари бузруквори

БИНО ИНШООТ СОТИЛАДИ

«BIZNESNI RIVOJLANTIRISH BANKI» АТБ Жарқўргон банк хизматлари офиси (БХО) балансида бўлган, “Дўстлик” МФЙ, Жарқўргон кўчаси, 7-ўйда жойлашган, умумий ер майдони 700.0 кв.м. бўлган

бино иншоот сотилади. Кўшимча маълумотлар учун тел: 90-410-88-83. «BIZNESNI RIVOJLANTIRISH BANKI» АТБ Жарқўргон БХО маъмурияти.

Маматалиев Адҳам Абдурахим ўғлига Термиз РИБдан 2015 йилда берилган О'ЗР №3136419 рақамли Огоҳлантириш талони йўқолганлиги **маълум қилинади.**

Сафаров Бекзод Алиджановичга Термиз РИБдан 2015 йилда берилган АА №0118621 рақамли ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқолганлиги **маълум қилинади.**

Жарқўргон туманидаги «NIGINA DAVR» хусусий корхонасининг айлана муҳри ва тамғаси йўқолганлиги **маълум қилинади.**

Шарипов Илмурод Холмуродовичга Термиз РИБдан 2012 йилда берилган АС №091534 рақамли ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқолганлиги **маълум қилинади.**

Абдурахмонов Урол Тоғир ўғлига Термиз РИБдан 2013 йилда берилган АС №350091 рақамли ҳайдовчилик гу-воҳномаси йўқолганлиги **маълум қилинади.**

Хушбоқов Олимжон Шодиевичга Термиз РИБдан 2012 йилда берилган АС №374831 рақамли ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқолганлиги **маълум қилинади.**

Жарқўргон туманидаги «ASL SIFAT TA' MINOT 001» МЧЖнинг айлана муҳри ва тамғаси йўқолганлиги **маълум қилинади.**

Аҳмад Ҳамза ўғлига Термиз РИБдан 2013 йилда берилган АС №352555 рақамли ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқолганлиги **маълум қилинади.**

Мирзаев Сирожиддин Жумаевичга Термиз РИБдан 2014 йилда берилган АС №466221 рақамли ҳайдовчилик гу-воҳномаси йўқолганлиги **маълум қилинади.**

Жарқўргон туманидаги «KURBANOV GAYRAT SOATMURDOVICH YATT» нинг айлана муҳри ва тамғаси йўқолганлиги **маълум қилинади.**

Джонпўлатов Йўлдошбойнинг «Дамас» русумли, 75 О 959 GA давлат рақамли автомашинасининг 2019 йилда Термиз РИБдан берилган ААФ №1473199 рақамли Қайд этиш гувоҳномаси йўқолганлиги **маълум қилинади.**

РЕСПУБЛИКАМИЗДА АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАДБИРИНИ ЎТКАЗИШ БИЗГА НИМА БЕРАДИ?

Биринчидан, маълум бир санада аҳолининг аниқ сони (ёши ва жинси таркиби, фуқаролиги, миллий таркиби (кенг қамровли), барча аҳоли пунктлари бўйича сони, оилавий аҳволи, маълумот даражаси, уй-жой билан таъминланганлик даражаси, меҳнат ресурслари, иқтисодий фаол аҳоли, аҳоли бандлиги (касби ва мутахассислиги) ва ишсизлиги, даромад олиш манбалари, ногиронлиги бўйича батафсил маълумот олинади.

Иккинчидан, аҳоли жон бошига макроиктисодий кўрсаткичларни ҳисоблашда (яъли ички маҳсулот, аҳоли даромадлари, саноат маҳсулоти ҳажми, истеъмол маҳсулотлари ҳажми, аҳолига кўрсатиладиган хизматлар ҳажми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари) ишлатилади.

Учинчидан, аҳоли миграцияси тўғрисидаги маълумотлар шакллантирилади.

Тўртинчидан, Республика ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлиги, аёллар ва болалар саломатлигини яхшилаш ва оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича дастурларни манзилли ишлаб чиқишда ахборот сифатида фойдаланилади.

Бешинчидан, статистика идоралари томонидан ташкил этиладиган танлама кузатувларни ташкил этишда маълумотлар базаси

сифатида қўлланилади.

Олтинчидан, Миллий барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш кўрсаткичларини шакллантириш ва мониторингини юритишда хизмат қилади.

Еттинчидан, аҳоли пунктларининг инфратузилмасини яхшилашда, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва жойлаштириш бўйича қисқа, ўрта ва узоқ мuddатли прогнозлар, дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланилади.

Саккизинчидан, Халқаро ташкилотлар ва фойдаланувчилар томонидан амалга ошириладиган таҳлиллар учун кенг қамровли ахборотлар манбаи ҳисобланади.

Бундай маълумотлар ижтимоий-иқтисодий жараёнларни прогноз қилиш, бандлик соҳасидаги сиёсатни белгилаш, ижтимоий сиёсат ва аҳоли саломатлиги бўйича дастурларни яратишда, шунингдек давлат ҳокимияти органларининг вазифаларини бажариши, фан ва жамиятни ахборот билан таъминлаш учун зарурдир.

Э.ХУШБАҚОВ,
Жарқўргон тумани статистика бўлими бошлиғи.

ОТЛАР – ТАБИАТ ХАЗИНАСИ

Ёввойи отлар жуда ҳам кам, у ҳам бўлса Осиёдагина қолган. Бу Пржевальский оти бўлиб, уни машхур сайёх Н.М.Пржевальский кашф этган ва таърифлаб берган. Ёв-войи от яғриндор, бақувват, боши катта, ёли қис-қа: теварак атрофга қараб қириши керак, чунки унинг душманлари кўп. Ўзи саман, ёли ва думи қора. Уларнинг бундай тусда бўлиши йилқиларнинг дашт ўсимликлари ичида билинмайдиган қилади. Қиш келиши олдида ёввойи отларнинг жуни қалинлашади.

Одамлар ёввойи отларни бундан бир неча минг йиллар муқаддам қўлга ўргатишган.

Инсон табиат “хазинасидан” оддийгина бир ёввойи от “намуна”сини олиб, қиёфасини ўз истагига мослаб, аста-секин ўзгартира борди. Митти понидан то оғир юк тортадиган улан отларгача бўлган турли-туман отлар шу тарзда пайдо бўлди.

Ўтмишда пони отлари

ҳозир ҳайвонот боғларида аравага қўшиб болаларни айлантириб юрган отларга ўхшаб, тор ер ости шахталарида кўмир ортилган вагонеткаларни ташмишда ишлатилган.

Араб отлари чиройлилиги, улуғвор йирик-йирик қадам ташлаши, узоқ масофаларга чидамлилиги билан машхур.

Бу отлар бундан 800 йил аввал Арабистонда етиштирилган.

Инглиз салт миниладиган зотдор отлари зоти 18-асрда Англияда етиштирилган. Бу от зоти чопқир от ҳисобланади.

Ахалтика оти салт миниладиган қадимий от зотидан, у Туркменистонда етиштирилган. Ахалтика отлари чиройли, чопқир, ўйноқи, жуни ипадек силмик бўлиб, олтин каби товланади.

Рус селекционери граф Орлов аравага қўшиладиган ажайиб от зотларини етиштирди. Бу зотлар орлов йўртқиси дейилади. Кейинроқ рус йўртқиси, ундан

кейинроқ эса йўргаси етиштирилди.

Йўртоқи от сакраб чопмайди. У ер бағирлаб,



кучли оёқлари билан катта-катта қадам ташлаб, фақат тизгин ва чавандозга итоат қилган ҳолда тез юрадиган поезд тезлигида бир текисда йўргалаб югради. Чавандоз икки гилдиракли енгил аравачада деяри отнинг орқа оёқлари тепасида ўтиради.

Владимир ва бошқа от

зотлари бир неча тонна юк ортилган оғир араларни бемалол тортиб кетаверади. Оғир юк ташийдиган ушбу от

зоти 16 тонна, рекордчиси эса 20 тоннадан ортиқ юкни тарта олади. Мамлакатимизда барча от зотлари муваффақият билан кўпайтирилмоқда. Буларнинг орасида гўзал араб зотлари, зотдор салт миниладиган йўрга отлар, Будённый ва Терск каби энг яхши спорт отлари бор.

ЗИЛЗИЛА – ТАБИЙ ТУСДАГИ ФАВҚУЛОДАА ВАЗИЯТДИР

Зилзила, ер қимирлаш-ер пўстида ёки мантиянинг юқори қисмида тўсатдан силжиш, синиш ёки ўпирилиш рўй бериши оқибатида вужудга келади. Бу тўқинсимон тебранишлар тарзида узоқларга тарқаладиган ер ости силкинишлари ва тебранишлари. Сабабларига кўра, тектоник, вулканий ва ўпирилиш зилзилаларига бўлинади. Ер пўстининг ҳар хил чуқурлигида табиий кучлар таъсирида содир бўладиган силкинишлар тектоник зилзилалар дейилади. Улар ер қаъридаги ҳаракат ва жараёнларнинг махсули бўлиб, бу жараёнларнинг кинетик қувват тарзида бирдан (1 мин.да) сарфланиши оқибатидир. Вулканий ва ўпирилиш зилзилалари табиатда жуда кам содир бўлади; улар кучи жиҳатидан тектоник зилзилаларнинг энг кучсиз билан тенгласади. Ер шарьида содир бўладиган зилзилалар сони йил давомида бир неча юз мингга етиши мумкин. Шулардан аксарият кўпчилик қисми сейсмографларгина сезадиған кучсиз зилзилалар бўлиб, одамлар сезадиғанлари бир неча мингга етади.

Зилзила туфайли ер юзидаги силкинишлар балларда ўлчанади. Силкинишлар эпицентрда энг кучли бўлиб, ундан узоқлашган сари кучи пасая боради. Эпицент атрофидаги энг кучли силкинишларни белгилаб, улар туташган чизик ичидаги майдон (сатҳ) плестсейс худуд дейилади.

Инсоннинг муҳандислик фаолияти билан боғлиқ бўлган ер силкинишлар асосан охириги йилларда хисобга олинмоқда. Бундай ер силкиниш йирик сув омборлари вужудга келган ҳудудларда, газ, нефть маҳсулотларининг ер остидан сўриб олиниши жараёни амалга оширилган майдонларда юз бермоқда. Инсон ўзининг муҳандислик фаолияти билан ер ости компонентларига муайян таъсир этиши, у ёки бу даражада ўзгартариши ер силкинишининг вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Дарё водийларига тўғонларнинг қурилиши натижасида майдони бир неча минг км2, ҳажми бир неча юз км3 дан катта бўлган (масалан, Чорвоқ сув омборининг умумий ҳажми2,1 млд. М3, сув сатҳи майдони 3640 га тенг) сув омборлари вужудга келмоқда. Ер қаърида 4000-5000 м чуқурликда ётган газ, нефть ер сатҳига сўриб чиқарилмоқда, ер остида узоқ геологик даврлар мобайнида ётган кўмир ана шу ер қаърида ёндирилиб газга айлантириб олинмоқда. Вақтинча сақлаш мақсадида баъзан ер ости горларига, хандақларига ва тоғ жинслари говакларига газ, нефть маҳсулотлари юқори босим остида киритилмоқда, жуда катта қимдордаги минерал сувлар ер остидан чиқариб олинмоқда. Ер қаърининг одамлар таъсир этиш жойларида йилгаёган энергия микдорининг у ёки бу даражада ошиши ёки камайиши оқибатида содир бўлган ер силкинишлари Ҳиндистон, АҚШ, Ўзбекистонда кузатиладиган фандан маълум. Жумладан, Чорвоқ сув омбори қурилиб бўлганидан кейин бу худудда

бир неча марта ер силкинишлар бўлиб ўтган. Ер силкиниш кучига қуйидаги ҳолатлар кузатилади: 1 балл-сезиларсиз, фақатгина сейсмик асбоблар қайд қилади; 2 балл-жуда кучсиз, уй ичида ўтирган баъзи одамлар сезиши мумкин (дерева ойналари титрайди); 3 балл-кучсиз, кўпчилик одамлар сезмайди, очик жойда тинч ўтирган одам сезиши мумкин. Осилган жисмлар аста-секин тебранади; 4 балл-ўртача сезиларли. Очик жойда, бино ичида турган одамлар сезади. Уй деворлари қирсиллайди. Рўзгор анжомлари титрайди, осилган жисмлар тебранади; 5 балл-анча кучли. Ҳамма сезади, уйкудаги одам уйғонади, баъзи одамлар ҳовлига югуриб чиқади. Идишлардаги суюклик чайкалиб тўкилади, осилган уй жиҳозлари қаттиқ тебранади; 6 балл-кучли. Ҳамма сезади, уйкудаги одам уйғонади, кўпчилик одамлар ҳовлига югуриб чиқади. Уй ҳайвонлари бетоҳат бўлади. Баъзи ҳолларда китоб жавонидидаги китоблар, рўзгор буюмлари жавонлардаги идишлар ағдарилиб тушади; 7 балл-жуда кучли. Кўпчилик одамларни кўркүв босади, кўчага югуриб чиқади, автомобиль ҳайдовчилари ҳаракат вақтида ҳам сезади, уй деворларида катта-катта ёриқлар пайдо бўлади. 8 балл-ёвонручи. Хом гишдан қурилган иморатлар бутунлай вайронага айланади, анча пишиқ қилиб қурилган иморатларда ҳам ёриқлар пайдо бўлади, уй тепасидаги мўрилар йиқилади, баъзи дарактлар бутун танаси билан йиқилади, синидаи, тоғлиқ жойларда қулаш, сурилиш ҳодисалари юз беради. 9 балл-вайрон қилувчи. Ер қимирлашга бардос берадиган қилиб қурилган иморат ва иншоотлар ҳам қаттиқ шикастланади. Оддий иморатлар бутунлай вайрон бўлади, ер юзасида ёриқлар пайдо бўлади, ер ости сувлари сизиб чиқishi мумкин. 10 балл-жуда кучли. Ҳамма иморатлар яқсон бўлади. Темир йўл излари тўқинсимон шаклга келиб бир томонга қараб эгилиб қолади, ер ости коммунал қуурувлари узилиб кетади, қўши ҳодисалари юз беради. Сув хавзалари тўқинлиниб қирғоққа урилади, қояли ён бағрларда катта-катта сурилиш ҳодисалари содир бўлади. 11 балл-фожиали. Ҳамма иморатлар деярилай вайрон бўлади, тўғонлар ёрилиб кетади, темир йўллар бутунлай ишдан чиқади, ернинг устки қисмида катта-катта ёриқлар пайдо бўлади, ер остидан балчиқлар кўтарилиб чиқади, сурилиш, қулаш ҳодисалари низоҳисига етади. 12 балл-ўта фожиали. Ернинг устки қисмида катта ўзгаришлар юз беради. Ҳамма иморатлар бутунлай вайрон бўлади, дарёларнинг ўзани ўзгариб шаршаралар пайдо бўлади, табиий тўғонлар вужудга келади.

Ер силкинишда катта моддий йўқотиш ҳамда

минглаб одамлар ўлими юз беради. Масалан, 1990 йилда Эрондаги 8 балли ер қимирлаши оқибатида 50 минг одам ўлиб, 1 млн.га яқин одамлар эса қон йўқотиб, жароҳатланганлар. Худди шундай ҳолат 1988 йил 7 декабрда Арманистондаги ер қимирлашида ҳам кузатилади. У ерда жуда катта куч билан (10,5 балл) ер силкинишининг оқибатида 25 минг одам ўлган. Бунда 8 млн. кв.м уй жой йўқ бўлиб кетган, 514 минг киши бошпанасиз қолган. Худди шунга ўхшаш ҳолат 1966 йилдаги Тошкент зилзиласида ҳам кузатишган. Унда 8 балли силкиниш содир бўлиб, иморатларга, катта қурилишларга зиён етган. Силкинишлар бир неча кунгача вақти-вақти билан такрорланиб турган. Бунинг оқибатида 78 минг оила бошпанасиз қолган, 2 млн. квадрат метр ердаги турар жойлар, 7600 ўринли мактаблар, 2400 ўринли мактабгача тарбия муассасалари ишдан чиққан, 690 та савдо ва 84 та турли корхона идоралари зиён қўрган.

Мана шу белгиларни билган ҳар бир фуқаро ёки зилзила ҳақида хабар эшитганда, саросимасиз ва ишончли ҳаракат қилиши керак. Зилзила ҳақида олдиндан хабар берилса, уйни ташлаб чиқишдан аввал, газ ва бошқа иситиш асбобларини ўчириш, болалар ва қарияларга ёрдам бериш, зарур буюмларни, озиқ-овқат, дори-дармонларни ва ҳужжатларни олиб, кўчага чиқишлари керак. Агар зилзила қутилмаганда бошланиб қолса, у ҳолда дараза ва эшик ораликларига ёки кўтарувчи устунлар тағига туриб олиш зарур. Дастлабки силкиниш зарбаси тиниши билан зудлик билан ташқарига чиқиш керак. Шуни эсдан чиқармаслик керакки, кўп қаватли биноларнинг энг нозик, ишончсиз жойлари зинапола ва лифт шахталаридир. Шунинг учун зилзила бошланган пайтда зинапоалардан югуриш тасвия этилмайди ва лифтлардан фойдаланиш таъқиқланади.

Корхона ва муассасаларда зилзила пайтида иш тўхтатилади. Электр токи, сув, газ ва буғлар тўхтатилиб, фуқаролар муҳофазаси қисмларидаги ишчи ва хизматчилар олдиндан белгиллаб қўйилган жойга тўпланадиган, бошқалар эса ҳавфсиз жойларда бўладилар. Зилзила вақтида уйда бўлганлар фуқаролар уйга шошмаслиги, чунки уша жой раҳбарларининг кўрсатмаларини диққат билан қутиб, унга риоя этган ҳолда ҳаракат қилишлари керак. Зилзила вақтида жамоат транспортининг тўла тўхтатилиши қутиб, болаларни, ногирон ва қарияларни тушириш керак. Юриб кетаётганда сакраб тушиб қолиш ярамайди, зилзила вақтида жабрланганларга асосан ёрдамни фуқаролар муҳофазаси қисмлари беради, лекин зарур бўлган ҳолларда аҳолининг ҳам ёрдам бериши мақсадга мувофиқдир.

Л.ТОҶИБОВЕ,
Жарқўргон туман ФВБ ФВДТ ва ФМ фаолиятини ташкиллаштириш, хавфсизлик тағриботи бўлими бошлиғи, лейтенант.

«JARQO'RG'ON» gazetasi tahririyati	Bosh muharrir: PAYANOV Alisher Mamayusupovich	Surxondaryo viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalari boshqarmasida 11/041-raqam bilan 2022 yil 10 oyunda qayta ro'yxatdan o'tgan. Indeks: 6512.	Tahririyat manzili: 190600, Jarqo'rg'on shahri, Navbahor ko'chasi, 3-uy. Tel: 76-43-21-661. e-mail: jargazeta83@mail.ru	Gazeta «Surxon tongi» va «Zarya Surxana» gazetalarini tahririyati bosmaxonasida A-2 hajmda, 2 bosma taboqda chop etiladi. Bosmaxona manzili: Termiz shahri, «Shukrona» ko'chasi, 19-A uy.	Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: B.Jumayev. Harf teruvchi: B.Jumayev.	Navbatchi: PAYANOV Alisher Mamayusupovich. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqzir qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtayi nazaridan qarglanishi mumkin.
MUASSIS: «JARQO'RG'ON gazeta tahririyati» MCHJ	Tahrir hay'ati: A.Radjabov, S.Mengatova, B.Jumayev.	ISSN 2181-6824	(RB) - reklama belgisi.	Gazeta sifatiga bosmaxona mas'uldir.	Internetdagi saytimiz: www.jn-gazeta.uz Gazetaning o'z vaqtida yetib borishi uchun obuna qilgan tashkilot mas'uldir.	Sotuvdagi bahosi kelishilgan narxda. Bosishga topshirildi 20.10.2023 yil, soat:11:30 Bosildi: 14:00 Adadi 605 nusxa. Buyurtma G-